

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 13 февраль, № 30 (9201)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУД ҲОКИМИЯТИНИ КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ТИЗИМГА АЙЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
12 февраль куни
Судьялар олий кенгаши
раисининг ахбороти
билан танишди.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида кенгаш раиси одил судловни амалга оширишга тўқсинлик қилаётган омиллар ва суд тизимида коррупцияга қарши курашнинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якунлари бўйича ахборот тақдим этиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида коррупцияга йўл қўйиш — ислохотларга хиёнат ҳисобланиши таъкидланиб, мамлакатимизда бу йилда қарши курашиш бўйича жорий йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинган эди.

Шу сабабли, судлар давлат ҳокимиятининг алоҳида бўлини сифатида “коррупциядан холи” тизимга айланишида намуна бўлиши лозим.

Суд мустақиллигини таъминлаш, судьяларни ташқи босимлардан ҳимоя қилиш учун Судьялар олий кенгаши бевосита масъул ҳисобланади. 2025 йилда алоҳида фармон қабул қилиниб, унга янги ваколатлар берилди. Суд тизими учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Кенгаш ҳузурида Одил судлов академияси ташкил этилди.

Судьялар олий кенгаши томонидан ўтган йилда 135 нафар номзод илк бор судьялик лавозимига, 286 нафар судья лавозимига қайта тайинланди, 241 нафардан иборат тергов судьялари корпуси шакллантирилди.

Хисобот даврида 59 нафар судьянинг ваколатлари муддатдан илгари тугатилди, жумладан, судьялик қасамдони бузганлиги ҳамда Судьялар олий кенгаши талабларига риоя қилмаганлиги учун 19 нафар судья лавозимидан озод этилди, 3 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилди, 58 нафар судьянинг лавозимлари пасайтирилди. Судьялик ваколати муддати тугаган 33 нафар судья навбатдаги судьялик лавозимига нолойқ деб топилди ҳамда 266 нафар судья интизомий жавобгарликка тортилди.

Ўтган йилда суд фаолиятига аралашганлик ҳолатлари бўйича Бош прокуратурага 5 та тақдиминома киритилди. Кенгашнинг расмий веб-сайтида судья дахлсизлиги бузилганлиги юзасидан теzkор хабар юбориши имкони яратилди.

Судьялар дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш доирасида ҳудудий судлар раислари томонидан чиқарилган 6 миңдан ортиқ буйруқлар ўрганилиб, 231 та буйруқда 314 нафар судьяга нисбатан одил судлов билан боғлиқ бўлмаган вазифалар юклатилгани аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар кўрилган.

Шу боис судьяни ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод этиш мақсадида суд аппарати ходимлари билан ишлаш, моддий-техник таъминот ва барча ташкилий ишларга масъул бўладиган “суд маъмуричилиги” институтини ташкил қилиш бўйича илғор хорижий тажриба ўрганилди.

Судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш борасида Судьялар интизомий ҳайъатини ташкил этиш орқали судьяга нисбатан интизомий жазо қўллашнинг ҳоли тартибини яратиш тақдир қилинди.

Судья ва уларнинг оила аъзолари мол-мулкни декларация қилишни йўлга қўйиш, суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган комплекс назорат тизимини жорий этиш, суд аппарати ходимларини ишга олишнинг очик тартибини яратиш каби ташаббуслар илгари сурилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсати доирасида суд тизимида ҳам гендер тенглигини таъминлаш масаласи муҳокама қилинди. Жумладан, яқинлаш келаётган 10 март — Халқаро аёл судьялар кунини нишонлаш бўйича режалар белгилаб олинди.

Президентимиз билдирилган тақдирларни қўллаб-қувватлаб, суд ҳокимияти мустақиллиги, судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўқсинлик қилаётган омилларни бартараф қилиш йўналишидаги тизимли чора-тадбирларни изчил давом эттириш юзасидан бир қатор тавсиялар берди.

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева ЕХТнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус вакили ва координатори Кэри Жонстон бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида одам савдосининг олдини олиш, жабрланганларни ҳимоя қилиш ва муносиб меҳнат таъминини таъминлаш соҳасида ЕХТ билан ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Икки томонлама мустақам

алоқалар ижобий натижалар бераётганига алоҳида эътибор қаратилди. Одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани билдирилди.



КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ — МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

Президент Шавкат Мирзиёев креатив иқтисодиётни ривожлантириш, маданият муассасалари инфратузилмасини яхшилаш ҳамда янги креатив майдонларни ташкил этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда креатив иқтисодиёт кўпга давлатларда иқтисодий ўсешнинг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 3 — 7 фоизи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимизда 2024 йилда креатив иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 3,7 фоизни ёки 56,8 триллион долларга етган, соҳада 319 миң нафардан ортиқ аҳоли банд.

Аҳолининг 60 фоиздан ортиги ёшлар экани, рақамли инфратузилманинг жадал ривожланаётгани ҳамда маданий меросимиз бойлиги ушбу соҳада “катта сакраш” қилиш учун мустақам замин яратаятгани таъкидланди.

Шу мақсадда 2024 йилда креатив иқтисодиёт тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиниб, соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилган эди. Креатив индустрия парки тасвиси этилиб, унинг резидентлари учун махсус солиқ режими жорий этилди. Жумладан, даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 6 фоизга туширилди. Соҳадаги тадбиркорларга бир қатор бошқа имтиёзлар ҳам берилди.

Мана шу чора-тадбирлар ҳисобига 2030 йилга қадар креатив иқтисодиётнинг ЯИМдаги улушини

5 фоизга ёки 145 триллион сўмга етказиш, экспортни 1 миллиард долларга олиб чиқиш, соҳадаги банд аҳолини 500 миң нафардан ошириш мақсад қилинган.

Тақдимотда Тошкент шаҳрида жойлашадиган Креатив индустрия паркиннинг концепцияси кўриб чиқилди. Унда яшил боғ, арт-объектлар, халқаро дастурлаш тармоғининг Тошкент мактаби, китоб кафеси, спорт майдонлари, ижодий павильонлар, коворкинг маркази ва офислар, кино ва видео ишлаб чиқариш майдонлари, овоз ёзиш студияси, креатив индустрия кампуси ҳамда ёшлар ва ижодкорлар учун меҳмонхона барпо этилади. Лойиҳа давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилади.

Шунингдек, Янги Тошкент ҳудуди ва Нукус шаҳрида креатив парклар ташкил этилиши режалаштирилган.

Янги Тошкентда креатив парк резидентлари учун ижара майдонлари, студиялар, медиа ва анжуман заллари, тижорат ва хизмат кўрсатиш объекти яойлаштирилса, Нукус шаҳрининг Истиклол бодаидаги мавжуд павильон реконструкция қилиниб, кўп функцияли жамоат-маданият марказига айлантирилди.

Нукусдаги креатив парк лойиҳасининг эътиборли жиҳати шундаки, унда Ўзбекистоннинг “ЭКСПО — 2025”даги миллий павильони жойлаштирилади ва ёнида замонавий кутубхона барпо этилади.

Юртимиздаги маданият марказлари фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

Республикадаги 800 дан ортиқ маданият марказларининг ярмидан кўпи таъмирталаб ҳолатда экани қайд этилди. Аксарият маданият марказлари ҳалигача эскича ишлаётгани, асосан, байрам тадбирларини ўтказиш билан чекланиб қолгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис маданият марказларини замонавий андоза асосида ривожлантириш бўйича пилот лойиҳа ишлаб чиқилган. Лойиҳа Тошкент, Қўқон, Бухоро ва Самарқанддаги 4 та марказни қамраб олган бўлиб, биринчиси Тошкент шаҳридаги “Гулшан” маданият маркази негизида ташкил этилмоқда. Унда “маданият — таълим — ҳордиқ — мулоқот” занжирини асосида турли йўналишлардаги клублар, устaxonлар, студиялар ва тўғрақлар ташкил этилади.

Тақдимотда Буюк Британия Қироллик жамғармаси мактаби тажрибаси асосида Тошкент шаҳ-

рида Аънавий санъат олий мактабини ташкил этиш режалари ҳам кўриб чиқилди.

Ушбу олий мактаб кулолчилик ва гишт терийш, манзарали безак, ёғоч ўймакорлиги, архитектуравий хаттотлик, геометрик ва биоморф нақш йўналишларида бакалаврият ва магистратура дастурларини амалга оширади. Таълим инглиз тилида олиб борилади, икки йиллик дастур асосида мутахассислар тайёрланади. 2027 йилда 50 нафар мутахассис тайёрлаш, 2031 йилга бориб йилга 80 нафар кадр қувватига киши режалаштирилган.

Шунингдек, тақдимотда Миллий реставрация институтини ташкил қилиш, Самарқанд шаҳридаги Бибиҳоним масжидини реставрация қилиш, “Туркистон” ёғи амфитеатрини таъмирлаш лойиҳалари кўриб чиқилди. Лойиҳалаштириш ва реставрация ишларини ЮНЕСКО билан тўлиқ келишилган ҳолда бажариш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари креатив иқтисодиётни ривожлантириш фақат маданий, балки иқтисодий жиҳатдан стратегик муҳим эканини таъкидлаб, белгиланган лойиҳаларнинг ижросини сифатли таъминлашга кўрсатма берди.

ТЕХНИК ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА ТУБДАН ЯНГИЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев техник тартибга солиш соҳасини халқаро талаблар асосида тубдан янгилаш юзасидан тақдимот билан танишди.

Қайд этилганидек, сўнгги тўрт йилда миллий стандартларнинг янги халқаро талабларга тўлиқ уйғунлаштирилди. Мамлакатимиз аккредитация тизими 185 та давлат орасида 29-ўринни эгаллади. Миллий лабораториялар натижалари Германия, Жанубий Корея ва Япония каби 37 та давлат томонидан тан олинга бошлади.

Шу билан бирга, хавф даражаси юқори бўлган 156 та товар позициясини мажбурий давлат рўйхатидан ўтказиш бекор қилинди. Мажбурий сертификатдан ўтадиган товарлар позицияси 27 фоизга қисқарди.

Бу тўғрисида соҳада адолатли рақобат муҳити шаклланиши, ортиқча оворагарчилик қамайганини тадбиркорларнинг ўзи ҳам тан олмақда.

Шу билан бирга, соҳада ҳали ечимини кутаётган масалалар кўпчилиги таъкидланди. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараянида, биринчи навбатда, техник тартибга солиш тизими тўлиқ халқаро талабларга мос бўлиши шартлиги қайд этилди.

Аввало, маҳсулотни баҳолашда корхона фаолиятини текшириш амалиёти тадбиркорлар норозилигига сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилди. Амалдаги тартибга кўра, талабга жавоб бермайдиган маҳсулот аниқланганда, унинг айланмаси эмас, уни ишлаб чиқарган тадбиркорнинг фаолияти чекланмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибасида хавф-тахлилга асосланган бозор назорати тизими амал қилади. Бунда ишлаб чиқарувчи маҳсулот мувофиқлигини декларациялаш орқали барча масъулиятни ўз зиммасига олади, сифат ва хавфсизлиги кафолатлади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда давлат назоратидан босқичма-босқич воз кечилиб, бозор назорати тамойилларига ўтилади. Бунинг учун “Бозор назорати тўғрисида” алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Эскирган стандартлар ва самарасиз техник регламентлардан воз кечиб ва тўлиқ халқаро стандартларга ўтиш зарурлиги қайд этилди. Ҳозирда 33 миңдан ортиқ стандартлар мавжуд бўлиб, уларнинг 50 фоизи эскирган ёки халқаро талабларга мос эмас.

Шу боис 6 та техник регламент бекор қилинади, 29 таси қайта кўриб чиқилади. Жорий йилда 4 млн 460 та, келгуси йилда 2,5 миңдан зиёд, 2028 йилда эса 817 та халқаро стандартни қабул қилиш мақсад қилинган.

2026 йил 1 июлдан тўқимачилик, чарм, мебель, электротехника, автомобилсозлик, ахборот технологиялари, 2027 йилдан бошлаб нефть-газ, металлургия, транспорт, қурилиш маҳсулотлари, тиббий буюмлар, 2028 йилдан бошлаб эса энергетика, кимё, экология ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни тўлиқ халқаро стандартлар асосида ташкил этиш режалари маълум қилинди.

Сертификация жараёнини янада соддалаштириш зарурлиги қайд этилди. Ҳозирги мураккаб тизим таннарх асосиз ошишига, бюрократия ва коррупцияга шароит яратаятгани кўрсатиб ўтилди. Хавф-тахлил асосида баҳолаш тизими жорий этилиб, қолган товар позициялари бўйича ҳам мажбурий сертификация бекор қилиш ва босқичма-босқич декларациялашга ўтказиш тақдир қилинди.

Умуман, “Маҳсулотнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қабул қилиш мақсадаги мувофиқ экани таъкидланди.

Соҳада институционал ўзгаришлар амалга оширилади. Техник тартибга солиш агентлиги таркибидаги ташкилотлар — “Ўзтест” марказини тугатиш ва Аккредитация марказини Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказиш орқали 5 тадан 3 тага қисқартирилиши белгиланди.

Синов ва сертификатлаш хизматларини тўлиқ хусусий секторга бериш тақдир қилинди. Айни пайтда хусусий секторда барча соҳаларни қамраб олган 207 та синов лабораторияси ва 73 та сертификатлаш идораси фаолият юритмоқда. Соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида Англиянинг “Intertek”, Швейцариянинг “SGS” Франциянинг “Bureau Veritas”, Германиянинг “TUV” каби етакчи халқаро компаниялари жалб қилинади.

Тақдимотда “CUZ” миллий мувофиқлик белгисини жорий этиш, аккредитация органининг мустақиллигини таъминлаш, синов лабораториялари фаолиятини рақамлаштириш, метрология тизимини ислоҳ қилиш ҳамда эталон базасини кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари билдирилган тақдир ва ташаббуслар юзасидан тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш ҳамда янги тизимни жорий қилиш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ БОШ МЕЗОН БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва 2026 йил учун устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилиш аввалида қайд этилганидек, Андижон — аҳолиси энг зич жойлашган ҳудуд. Вилоятда 3,5 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, ҳар йили 80 миңга яқин туғилиш қайд этилмоқда.

Ер ресурслари чекланган шароитда ҳар бир гектар ер, ҳар бир лойиҳа ҳамда ҳар бир инвестиция юқори қўшилган қиймат ва барқарор иш ўрни яратиши шартлиги таъкидланди. Бу вилоят раҳбарияти олдиндаги энг асосий вазифа экани кўрсатиб ўтилди.

2025 йил якунларига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулот 107,7 триллион сўмни ташкил этиб, 6,8 фоизга ошди. Сановат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 7,2 фоиз, хизматлар ҳажмида 15,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоиз ўсиш қайд этилди.

Жорий йилда иқтисодиёт ва sanoatни 8 фоизга, хизматларни 16,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 5,9 фоизга ошириш мақсад қилинган. Хорижий инвестицияларни 2025 йилдаги 2,5 миллиард доллардан 2026 йилда 3,5 миллиард долларга, экспортни 1,3 миллиард доллардан 1,5 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

2025 йилда 383 миң аҳолининг бандлиги таъминланган бўлса, 2026 йилда 489,5 миң аҳолининг бандлигини таъминлаш, ишсизликни 3,6 фоизга, камбағалликни 2,4 фоизга тушириш муҳимлиги таъкидланди.

Асака, Олтинкўл, Ҳўжаобод, Шаҳрихон туманлари ҳамда Андижон шаҳрини ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудларга айлантириш вазифаси қўйилди. “Оғир” тоғидаги Бўстон, Пахтаобод ва Улғунор туманларида камбағалликнинг камда икки баробар қисқартириш белгиланди.

Жорий йилда вилоятда 798 миллион долларлик лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилгани таъкидланди.

Жумладан, Асака, Булоқбоши ва Шаҳрихон туманларида чарм-

пойабзал, қурилиш материаллари ҳамда дастгоҳлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 3 та микросаноат маркази ташкил этилади, ҳар йили 80 миңга яқин туғилиш қайд этилмоқда.

26 та чегараолди ва олис маҳалларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кичик соҳа-иқтисодий оғирлар ташкил қилиш ва микросаноат лойиҳалари амалга оширилади.

Андижон туманидаги “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонасида 100 гектардан ортиқ ер майдони бўш турибди. Ер ресурслари чекланган шароитда тайёр инфратузилмаси бор майдонларда юқори қўшилган қийматли лойиҳаларни жойлаштириш, мингглаб иш ўринларини яратиш имкониятидан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу вилоят раҳбарияти олдиндаги энг асосий вазифа экани кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш мақсадида хорижий навлар жойлаштириладиган ва илғор “76x10” схемаси асосида экиладиган пахта майдонларини кенгайтириш, 472 дона янги техника харид қилиш режалаштирилган. 2 миң гектар кам самарали эски боғлар интенсив боғларга айлантирилади, 6,8 миң гектар ер фойдаланишига қайта киритилади.

Янги тажриба сифатида Олтинкўлда гулчилик, Избоскандан кўнатиқчилик, Асакада иссиқхоначилик, Қўрғонтепада сабзавотчилик, Булоқбошида узумчилик бўйича томоғра мактаблари ташкил этилади.

2025 йилда вилоятга 460 миң хорижий ва 1,8 миллион маҳаллий турист келган. Жорий йилда хорижий туристлар сонини 700 миңга, маҳаллий сайёҳларни эса 2,5 миллионга етказиш мақсад қилинган.

Шу мақсадда Булоқбошидаги “Ширмонбулок”, Ҳўжаободдаги “Имом ота” ва Хонободдаги туризм марказларини ривожлантириш учун

алоҳида дирекция очилади. Туман ва шаҳар марказларидаги 91 та маҳаллани боғловчи гавжум кўчалар савдо, дам олиш ва кўн-кўлларча масканлар барпо этилади.

Андижонда уй-жой масаласи бошқа ҳудудларга нисбатан анча долзарб. Жорий йилда вилоятдаги “Янги Ўзбекистон” массивларида 54 та, бошқа ҳудудларда эса 158 та кўп қаватли уйлар қурилиши кутулимоқда.

“Қурилишга тайёр ер” тизимини жорий этиш орқали лойиҳаларни олиб бериш муддатини 120 кундан 30 кунгача қисқартириш имкончилиги кўрсатиб ўтилди. Жалақудҳа да ушбу янги тизим асосида замонавий уй-жойлар қуриш бўйича тажриба бошланади.

Вилоятда 11 та олий таълим муассасаси фаолият юритмоқда, 94 миңдан ортиқ талабалар тахсил олмақда, 56 та техникумда 46 миң нафар ўқувчи касбларга ўргатилмоқда. Олийгоҳлардаги илмий салоҳиятни ошириш, дуал таълим қамровини кенгайтириш чоралари белгилаб олинди.

Тиббиёт техникумларига тил ўргатиш бўйича илғор хусусий таълим ташкилотларини жалб қилиб, йилга 4 миңдан зиёд ёшларнинг Европа давлатларида ишга жойлаштиришга қўллаб-қувватлашга қўллаб-қувватланди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ижтимоий реестрга кирмаган оилаларнинг иқтисодий фарзандларига ҳам спорт, маданият ва санъат соҳасидаги ташаббуслари учун “Ёшлар дафтери” жамғармасидан 41 миллион сўмгача субсидия бериш тақдир қилинди. Президентимиз ушбу тартибни Андижон вилоятидан бошлашни топширди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш якунида белгиланган вазифалар ижроси Андижон аҳолиси ҳаётида аниқ ва сезиларли натижа бериши шартлигини таъкидлаб, ташаббусларни тегишли топшириқлар берди.

Ў.А.

Учрашув ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева ЕХТнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус вакили ва координатори Кэри Жонстон бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида одам савдосининг олдини олиш, жабрланганларни ҳимоя қилиш ва муносиб меҳнат таъминини таъминлаш соҳасида ЕХТ билан ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Икки томонлама мустақам

алоқалар ижобий натижалар бераётганига алоҳида эътибор қаратилди. Одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани билдирилди.



ЖОРИЙ ЙИЛДА:

- тергов судьяларига санкция ва мажбурлов чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатлари берилди;
- инглиз ҳуқуқидаги давлатларда ижобий натижа берган “халқ вакиллари ҳайъати” институти жиноят процессига босқичма-босқич жорий этилади.
- бунда ўта оғир ва жамиятда шов-шувга сабаб бўлаётган жиноятлар жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқилади ва бу суд ҳукмининг янада адолатли бўлишига хизмат қилади.
- оқил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштироки ва роли оширилади;
- Шунингдек, мажбурий ижро жараёнига самарали муқобил механизмлар киритилади ва натижада соҳага сунъий интеллект жорий этилиб, келгуси икки йилда ижро ҳаракатларининг 30 фоизи инсон омилсиз амалга оширилади.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш ва жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида урғу берилди. Бу йўналишда "Инсон ҳақри учун" тамойили асосий устувор мезон экани қайд этилди.

Кэри Жонстон Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш йўналишида олиб борилаётган тизимли ислохотлар ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ижобий баҳолади. У миллий механизмларни халқаро стандартлар билан ўйналтириш, жабрланувчиларга йўналтирилган ёндашувни кучайтириш ва профилактика ишларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Рақамли платформалар орқали содир этилаётган ёллаш ва алдаш ҳолатларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Сўхбат давомида Тошкент шаҳрида ўтказилаётган одам савдосига қарши курашишда технологиялардан фойдаланишга бағишланган халқаро трениннинг аҳамияти, унда кўтарилган долзарб масалалар ҳамда илгари сурилган ташаббусларни Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссиянинг келгуси дастурларига жорий қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ИМТИЁЗ ВА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИДА ЯГОНА ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ТАЪМИНЛАНАДИ



Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Сенат кўмитасида

Таъкидланганидек, фуқаролар ўртасида юзага келадиган низоли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида айрим шартномавий муносабатлар иштирокчиларининг масъулиятини ошириш чораларини кўриш, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг тамойиллари тўла-тўқис рўйбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юриштида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатларни белгилаш, шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш зарурати туғилмоқда.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодексга одометр (автоматининг қанча юрганлигини кўрсатувчи) ускуна кўрсаткичлари ўзгартирилгани ёки алмаштирилгани тўғрисида харидори автотранспорт воситасини реализация қилишдан олдин хабардор этмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилашини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Шунингдек, вояга етмаганлар иштирокидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришда педагог ёки психологнинг қатнашишига доир талаблар, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш ҳақида илтимоснома киритишнинг янги тартиби назарда тутилмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши истеъмолчилар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга, суд ишларини кўришда уларнинг руҳий ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлашишга хизмат қилиши сенаторлар томонидан қайд этилди.

Шунингдек, мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясининг тузилмаси ҳамда давлат фуқаролик хизмати тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ОВ ҚИЛИШ ВА ОВЧИЛИК ҲЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан мамлакатимизда ов билан шуғулланиш ва овчилик ҳўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан семинар ташкил этилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда ов қилиш ва овчилик тайёрлаш тартибини тизимлаштириш, соҳага илгор технологияларни кўриштириш, овчилик ҳўжаликларида биохимиллини кўпайтириш ва ов туризми инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қатор ишлар олиб борилаётган.

Давлатимиз раҳбарининг "Республикада ов қилиш ва овчилик ҳўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб, овчиликнинг билим ва кўникмаларини ошириш борасида ўқишларни ташкил этиш, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, жумладан, ўқиб ҳамада овчилик гувоҳномаларини олиш жараёнлари рақамлаштирилди.

Семинар доирасида соҳага татбиқ этилаётган электрон платформанинг имкониятлари ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Шунингдек, яқинда Қонунчилик палатасида биринчи ўқиш қабул қилинган — ов жараёнларини аниқ тартибга солиш, овчилик ҳўжаликлари фаолиятини тизим-

лаштириш, ёввойи ҳайвонларни муҳофазалаш ва уларнинг табиий кўпайиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонун лойиҳасидаги нормалар ҳам атрофича муҳокама этилди.

Қонун лойиҳасида ов қилиш жараёнини шаффоқлигини кучайтиришга қаратилган нормалар акс этаяётгани таъкидланди. Хусусан, овчилик йўлнамалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкалари)ни бериш махсус электрон дастур орқали урданиши, улар асосида мавсумий ёки бир мартали овни амалга ошириш ҳуқуқи тақдим қилиниши назарда тутилганлиги қайд этилди.

Семинар доирасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, овчилик маданиятини юксалтириш юзасидан фикр-муносабатлар билдирилди, қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Яқинда иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Тadbirkorлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг республика бюджетидан ажратилган маблағлардан фойдаланиш ҳамда ривожлантириш дастурлари мақсадли индикаторларнинг 2025 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Вазирлик ахборотига кўра, ҳисобот даврида ажратилган маблағлар доирасида фойдали қазилмалар захира ва ресурсларини кўпайтириш бўйича муайян ишлар қилинган. Шунингдек, кўрғошун, рух, вольфрам, углеводородлар ресурслари, ер ости сувлари захираларини кўпайтириш мақсади кўрсаткичлари ҳам самарали бажарилган.

Геология-қидирув ишларини амалга ошириш орқали республиканинг минерал хомашё базисини барқарор ривожлантириш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш ва фойдали қазилмаларнинг янги қонларини аниқлаш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилаётган. Хусусан, 2025 йилги давлат дастури доирасида 33 та янги кон очилган.

Муҳокама чоғида депутатлар вазирлик томонидан мақсадли индикаторларга эришишдаги ижобий натижаларни алоҳида қайд қилди. Шу билан бирга, вазирлик ҳисоботида айрим камчиликларга йўл қўйилгани айтилди. Жумладан, вазирлик учун белгиланган мақсадларнинг муддатидан кеч бажарилгани, инвестиция дастурларининг ўзлаштирилиши кечикаётгани бўйича фикр-мулоҳазалар илгари сурилди. Келгусида бу борада аниқ чора-тадбирларни кўриш ва масъулият билан ёндашиш лозимлиги айтилди.

«Халқ сўзи».

Одам савдосига қарши курашишда замонавий технологиялар

Кеча Тошкент шаҳрида "Ўзбекистонда технологиялардан фойдаланган ҳолда одам савдосига қарши курашиш" мавзусида мураббийлар учун семинар-тренинг ўз ишини бошлади.

Тадбир Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) билан биргаликда ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси,



миллий комиссия аъзоси Алишер Аъзамхўжаев, ЕХХТнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус вакили ва координатори Кэри Жонстон, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори Антони Картунен, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Рақамли технологиялар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари ҳамда Болалар оғирлигини вақтларни катнашишда.

Семинар-тренинг технологиялар ёрдамида одам савдосини барвақт аниқлаш, онлайн таҳдидларни таҳлил қилиш ва амалиётга йўналтирилган замонавий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Унинг очилишида сўзга чиққанлар мазкур турдаги жиноятлар онлайн муҳит, виртуал платформалар ва ижтимоий тармоқлар орқали содир этилиши ҳамда кейинги пайтларда бу каби ҳолатлар ортиб бораётганига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, халқаро мижозлар, иқтисодий беқарорлик ва мажбурий миграция жараёнлари одам савдоси хавфини кучайтирмоқда. Айниқса, аёллар, болалар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ушбу жиноятнинг асосий нишонларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тренинг дастури доирасида одам савдосининг турли босқичларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, даркнет ва рақамли молиявий инструментлар билан боғлиқ хатарлар, хавфи юқори бўлган онлайн платформаларни аниқлаш ҳамда хариталаш, болаларга нисбатан онлайн эксплуатация ҳолатларини тергов қилиш масалалари бўйича машғулотлар ташкил этилди.

Машғулотлар интерфаол форматда, амалий кейслар ва симуляцион машқлар асосида олиб борилаётган. Шунингдек, мураббийлар тайёрлаш форматига ўқитиш методикалари, модуллари таълим жараёнига интеграция қилиш ва замонавий педагог ёндашувлар бўйича ҳам алоҳида сессиялар ўтказилди.

«Халқ сўзи».

«Тошкент тажрибаси»: Лойиҳа ижроси кўздан кечирилди

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова Янгиҳаёт туманида бўлиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда "Хавфсиз маҳалла" концепциясини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Сенатор ва ҳаёт

Дастлаб идоралараро мувофиқлаштириш штаби фаолияти кўздан кечирилди. Туман ҳудудида хавфсиз муҳитни таъминлаш, муаммоларни манзилли ҳал этиш ва профилактика ишларини тизимли ташкил қилиш бўйича йўлга қўйилган механизмлар юзасидан ахборот берилди.

Шунингдек, сенатор тумандаги 332-умумтаълим мактабига ҳам бўлди. Мазкур таълим муассасасида амалга оширилаётган "Тошкент тажрибаси" лойиҳаси доирасида яратилган шароитлар, ихтисослаштирилган синфлардаги ўқув жараёнлари ва қўшимча имкониятлар кўздан кечирилди.

Аниқланишича, мактабга лойиҳа асосида иқтидорли ўқувчилар саралаб

олиниб, улар учун ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган машғулотлар олиб борилмоқда. Таълим даргоҳи қошида ташкил қилинган "Junior Robotics" тўрагаги фаолияти эътироф этилди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган робототехника хонасида ўқувчилар учун назарий ва амалий машғулотлар ўтказилаётди.

Ўрганиш доирасида маҳалла фаоллари, ота-оналар ва мактаб педагогик жамоаси билан учрашув ўтказилиб, ҳудудда бажарилаётган ишлар, аҳолини қийнаётган масалалар ҳамда таълим сифатини янада ошириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар тингланди.

«Халқ сўзи».

Ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлаш муҳим

Бугунги глобал таҳдидлар, жадал урбанизация, рақамлашув ва ижтимоий муносабатлар мураккаблашган бир шароитда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, пойтахтимизда хавфсиз муҳитни шакллантириш нафақат шаҳар аҳолиси, балки бутун республика учун намуна бўлиши лозим.

Ўрганиш

Президентимиз раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш, жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзолари Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги қатор маҳаллаларда бўлиб, хавфсиз муҳитни таъминлашга қаратилган профилактик чора-тадбирларни таҳлил қилди.

Хусусан, маҳаллаларда жамоат жойлари ва яшаш хонадонларида хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқаролар ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ҳар қандай тажовузарликнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ва техник воситаларни кенг жорий этиш масалалари ўрганилди.

Ўрганишлар давомида маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ишсиз фуқаролар томонидан, шунингдек, оила-туриш муносабатлари доирасида содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олишда "маҳалла еттилиги" аъзоларининг аниқ масъулиятини белгилаш, профилактика ишларига янги иш услубларини жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳноза ЖОЛДАСОВА, кўмита аъзоси: — Давлатимиз раҳбари ёшлар ва аёлларнинг оиладаги низолардан



Депутатлар туман ички ишлар бўлимида ҳам бўлиб, у ерда навбатчилик қисмида мурожаатларни қабул қилиш ҳолати, тумандаги камера ларнинг интеграция даражасини ўрганди.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда асосий бўгин — маҳалла профилактикаси саналади. Мамлакатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида пойтахтимиздаги профилактика хизматларининг иши тўғри ташкил этилмагани учун муаммолар тўпланиб қолганини айтиб, профилактика инспекторларини янада қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги обрўсини ошириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурган.

Кўмита аъзолари ҳуқуқ-тартибот масканларида профилактика инспек-

торлари билан учрашиб, уларнинг хизмат фаолиятини тўлақонли амалга оширишга тўқсиллик қилаётган муаммоларни муҳокама этди. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят юз беришига сабаб бўлаётган ёки унга шароит яратаятган омишлар, жиноятларни яшириш ва жиноят ишини кўзга тиниш ноконуний рад этишнинг олдини олиш масалалари таҳлил қилинди.

Гулнора ХУДОЁРОВА, кўмита аъзоси:

— Ўрганишларимиз давомида хавфсиз муҳитни яратиш, жамоат хавфсизлигини самарали таъминлашда эътибор қаратилиши зарур бўлган айрим масалалар борлиги яққол кўринди. Нафақат муаммолар, балки бу борада қонунчиликка таклифлар ҳам кўтарилмоқда. Шу боис масалаларни ўрганиш баробарида, тегишли қонунларга ўзгартириш киритиш бўйича ҳам таклифларни таҳлил қилаямиз. Албатта, бу хавфсиз ҳудудни рўёбга чиқариш, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга кенг имконият яратади.

Ўрганишлар давомида билдирилган таклифлар асосида амалдаги қатор қонунларни замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш, ортиқча бюрократик юкламага айланган нормаларни қайта кўриб чиқиш, амалиётдан келиб чиқиб ислоҳ қилиш зарурлиги таъкидланди. Илгари сурилган таклифлар келгусида амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришда инобатга олиниши айтиб ўтилди.

Депутатларнинг ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ МИРАҚБАР ҲОЖИАҚБАРОВИЧ РАҲМОНҚУЛОВ

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор Миравқабар Ҳожаиқбарович Раҳмонқулов шу йил 11 февраль кунини 74 ёшида вафот этди.



Миравқабар Раҳмонқулов 1952 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1975 йилда Тошкент давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича тамомлаб, Давлат режа қўмитаси ҳузуридаги иқтисодий илмий-тектириш институтида кичик илмий ходим сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Кейинчалик Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Олий Совети Президиумида турли лавозимларда хизмат қилди.

1992 — 1994 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети биринчи проректори вазифасида ишлаб, ташқи сиёсат соҳасида замонавий билимга эга малакали кадрларни тайёрлаш ишларига катта ҳисса қўшди.

Миравқабар Раҳмонқулов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти директори ўринбосари лавозимларида фаолият юритиб, юртимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлик ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича муҳим стратегик тадқиқотларга раҳбарлик қилди.

Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига оид давлат дастурлари, концептуал ҳужжатлар ва қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этди.

Айни вақтда салоҳиятли олим сифатида минтақавий хавфсизлик масалалари, хоржий давлатлар билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш истисқолларига бағишланган қатор монография ва илмий-услубий қўлланмалар яратди.

Тахрибали сиёсатчи, фаол ва ташаббускор давлат хизматчиси сифатида М. Раҳмонқулов кўп йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг котиби вазифаларида хизмат қилди. 2022 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида масъул вазифаларда ишлаб, ўзининг бой тажрибаси, чуқур билим ва салоҳияти, фидойилик ва ватанпарварлик фазилатларини намоян эъти.

Сўнгги йилларда у Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтига раҳбарлик қилиш билан бирга, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият олиб борди.

Миравқабар Раҳмонқуловнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" фахрий унвони, "Фидоқорона хизматлари учун" ва II даражали "Шон-шараф" орденлари билан мукофотланган эди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, йирик ҳуқуқшунос олим, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Миравқабар Раҳмонқуловнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ш. АЮПОВ

ТАЪЛИМ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ВА ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ

Бугунги глобаллашув даври ва кескин рақобат шароитида ҳар бир давлатнинг куч-қудратини, аввало, унинг интеллектуал салоҳияти, аниқроғи, тафаккури теран ва замон билан ҳамнафас иқтидорли ёшлари белгилаб беради. Шу боис юртимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳамда учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар марказида таълим-тарбия соҳаси турибди, десак, айна ҳақиқат.

Мушоҳада

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кейинги йилларда маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ҳамда қарорлари, илгари суратган эзгу ташаббусларининг мағзини қақдан инсон бунга ишонч ҳосил қилади. Негаки, давлат раҳбари чиқишларининг деярли ҳар бирида айна шу жиҳатда эътибор қаратар экан, унинг "ҳаёт-мамот масаласи" эканини алоҳида таъкидлаб, мазкур соҳада сусткашликка асло йўл қўйиб бўлмаслигини қатъий уқтиради.

Янги Ўзбекистон феномени таъсири

